

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ped.28.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

МИРЗАНОВ ШЕРЗОД СИРЛИБАЕВИЧ

**БЕЛБОҒЛИ КУРАШЧИЛАРДА КУЧ ҚОБИЛИЯТИНИ ИЗОКИНЕТИК
МАШҚЛАР ЁРДАМИДА РИВОЖЛАНТИРИШ УСТУВОРЛИГИ ВА
УНИ БАҲОЛАШ МЕТОДИКАСИ**

**13.00.04 – Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти
назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчиқ – 2020

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Мирзанов Шерзод Сирлибаевич

Белбоғли курашчиларда куч қобилиятини изокинетик машқлар ёрдамида
ривожлантириш устуворлиги ва уни баҳолаш методикаси3

Мирзанов Шерзод Сирлибаевич

Приоритетность развития силовой способности белбоғли курашистов
посредством изокинетических упражнений и методика её оценки.....27

Mirzanov Sherzod Sirlibevich

Evaluating and developing methods of the strength qualities of belt – wrestlers by
isocinetic exercises51

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....55

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Ped.28.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ ВА СПОРТ
УНИВЕРСИТЕТИ**

МИРЗАНОВ ШЕРЗОД СИРЛИБАЕВИЧ

**БЕЛБОҒЛИ КУРАШЧИЛАРДА КУЧ ҚОБИЛИЯТИНИ ИЗОКИНЕТИК
МАШҚЛАР ЁРДАМИДА РИВОЖЛАНТИРИШ УСТУВОРЛИГИ ВА
УНИ БАҲОЛАШ МЕТОДИКАСИ**

**13.00.04 – Жисмоний тарбия ва спорт машғулоти
назарияси ва методикаси**

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Чирчиқ – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2. PhD/Ped1026 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетидан бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифанинг www.uzdjtsu.uz ва “Ziyonet” Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган

Илмий раҳбар:

Ярашев Комилжон Дехқонович
педагогика фанлари номзоди, профессор

Расмий оппонентлар:

Абдиев Абдулла Носирович
педагогика фанлари доктори, профессор

Азизов Носиржон Нематуллаевич
педагогика фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Фарғона давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Ped.28.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил “___” _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтди. (Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19- уй. Тел.: (0-370)-717-17 79, 717-27-27, факс:(0-370) 717-17-76, Веб-сайт: www.uzdjtsu.uz, e-mail: uzdjtsu@uzdjtsu.uz. (Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети “А” биноси, 1-қават, 114-аудитория).

Диссертация билан Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 111709, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Спортчилар кўчаси, 19- уй. Тел.: (0-370)-717-17-79, 717-27-27, факс.:(0-370) 717-17-76.

Диссертация автореферати 2020 йил “___” _____ кун тарқатилди.
(2020 йил “___” _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

М.Р.Болтабаев

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

М.Х.Миржамолов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, п.ф.б.ф.д. (PhD)

Б.Б.Мусаев

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси ўринбосари, п.ф.н., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳон ареналарида белбоғли кураш бўйича ўтказилаётган мусобақаларда рақобатнинг кескинлашиб бориши ва мазкур спорт турининг Олимпиада ўйинлари дастурига киритиш бўйича ташкилий ишлар, юртимизда юқори малакали, истеъдодли ва рақобатбардош белбоғли курашчилар тайёрлашга ихтисослаштирилган илмий-технологик мактаб яратиш, машғулот юкламаларини шуғулланувчилар ёши, жинси, функционал ва жисмоний имкониятларига қараб қўллаш методикасини ишлаб чиқиш, техник-тактик усулларга ўргатиш жараёнида илғор инновацион технологиялардан фойдаланишни талаб этади. Бугунги кунда, бу борада бир қатор илмий ишлар амалга оширилган бўлса-да, аммо ушбу манбаларда белбоғли курашда қўлланиладиган асосий техник-тактик усуллар энергетикасини таъминловчи устувор жисмоний сифатлар, айниқса, куч ва кучланиш турлари, уларни ривожлантириш ва баҳолаш технологияси илмий жиҳатдан етарлича очиб берилмаган.

Дунё олимлари томонидан малакали белбоғли курашчиларни тайёрлаш тизимининг жисмоний ва техник-тактик жиҳатларини илмий ташкил қилиш ва юкламалар меъёрлари деярли ишлаб чиқилмаган. Миллий ва умуминсоний қадрият ҳисобланган белбоғли кураш халқларимизни, айниқса ёшларимизни маънавий-маданий, ахлоқий-тарбиявий, жисмоний ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашга хизмат қилиб келмоқда. Белбоғли кураш бугунги кунда нафақат ватанимиз бўйлаб, балки жаҳон миқёсида ҳам кенг тарқалмоқда. 2004-2018 йилларда ўтказилган Жаҳон ва Осиё чемпионатларида республикамиз белбоғли курашчиларини кўплаб олтин, кумуш ҳамда бронза медалларини қўлга киритишганлиги бундан далолат беради.

Таъкидлаш жоизки, бундай юксак натижалар, аввалам бор, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан соҳа бўйича қабул қилинаётган концептуал фармонлар, қарорлар ва стратегик кўрсатмалар маҳсулидир.¹ Шу билан бирга, эришилган натижа – бу кеча ва бугунни ифодаловчи тарихий фактдир. Ўзбекистонда белбоғли кураш бўйича ўтказилаётган анъанавий машғулотлар ва мусобақа беллашувларини синчиклаб ўрганиш шуни кўрсатадики, курашчилар олишув усулларини қўллаш учун дастлаб рақибни пастга босади, кейин уни кўтариб, ўнг ёки чап томонга буради (айлантиради). Мазкур ҳаракатлар усулни қўллашда пойдевор сифатида хизмат қилади. Бундай ҳаракатлар механикаси ва уларнинг биоэнергетикаси мушакларнинг изокинетик тартибда (изотоник, изометрик, аралаш) кучланиш механизми асосида таъминланади. Демак, белбоғли курашда ана шундай куч турлари (динамик, максимал, портловчи, тезкор) етакчи аҳамиятга эга деб таъкидлаш

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 октябрдаги “Кураш миллий спорт турини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3306 сон Фармони; Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 7 ноябрдаги 893-сонли қарорига илова қилинган дастур; Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 июнь “Жисмоний тарбия ва оммавий спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3031 сон қарори.

мумкин. Афсуски, белбоғли курашчиларни тайёрлаш амалиётида, ҳатто юқори малакали курашчилар машғулотларида ҳам бундай куч ва кучланиш турларини ихтисослаштирилган машқлар ёрдамида шакллантириш, уларни объектив баҳолаш технологиялари умуман жорий этилмаган. Биз, ана шу ўта долзарб муаммони ҳал этиш мақсадида курашчиларга хос куч ва кучланиш турларини шакллантириш ва баҳолашга мўлжалланган, ишончли ахборот берувчи, уни сенсор радиосигнал орқали компьютерга узатувчи ва сақловчи инновацион тренажер-ускуна яратдик.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 2 октябрдаги ПҚ-3306-сонли “Кураш” миллий спорт турини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори, 2018 йил 5 мартдаги ПФ-5368-сонли “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳамда бу соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” билан боғлиқ устувор йўналишлари доирасига мос равишда амалга оширилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Кўп йиллик спорт тренировкиси жараёнида техник-тактик тайёргарлик самарадорлигини таъминлаш умумий ва махсус жисмоний сифатларга боғлиқ эканлиги, уларни ҳар бир спорт турининг ўзига хос хусусиятларига мос равишда босқичма-босқич ривожлантириш усуллари ва воситалари кўплаб ўтказилган фундаментал тадқиқотлар асосида очиб берилган (Л.П.Матвеев; В.Н.Платонов; Л.П.Волков; М.А.Годик, Ю.Ф.Курамшин, А.А.Максименко; Л.Д.Назаренко; Ж.К.Холодов, В.С.Кузнецов). Айрим манбаларда жисмоний сифатлар ва ҳаракат малакаларининг функционал (физиологик) асослари ҳам ўз ифодасини топган (В.М.Смирнов, В.И.Дубровский, Н.Д.Граевская). Бундай мавзуларга доир тадқиқотлар деярли барча кураш турларида ҳам олиб борилган (белбоғли кураш бундан истисно) ва қайд этилган натижалар асосида мувофиқ илмий хулосалар, амалий-услубий тавсиялар берилган (В.Ф.Бойко, Г.В.Данько; З.Б.Болтаев; Б.Веслов; С.В.Елисеев; А.А.Карелин; И.Б.Тараканов; Н.А.Тастанов; Ф.А.Керимов). Белбоғли кураш ёки юқори малакали белбоғли курашчилар тайёрлаш масалалари бўйича ўтказилган тадқиқотлар доираси ўта чегараланган бўлиб, улар асосан машғулот ва мусобақа жараёнлари, жисмоний ва техник-тактик тайёргарлик мавзуларининг методик томонларини ўрганишга бағишланган (И.Б.Алиев; И.Х.Боймурадов; А.У.Гофуров; З.С.Артиков; С.У.Купалов; Ш.А.Мирзакулов;

Р.Д.Халмухамедов; М.Г.Ахмадиев; Р.Ф.Гайманов; А.И.Бабаков, С.В.Ульянкин; М.Б.Мусакаев, С.В.Туленков)².

Шу билан бирга, белбоғли курашда қўлланиладиган барча усуллар механикасини, энергетикаси ва самарадорлигини таъминловчи махсус куч ва кучланиш турлари (изотоник, изометрик, изокинетик), уларни ихтисослаштирилган изокинетик машқлар, ҳаракатли ўйинлар ва замонавий тренажерлар ёрдамида шакллантириш афзаллиги ўрганилмаган. Ушбу сифатлар даражаси ва унинг функционал қийматини объектив баҳолашга мўлжалланган инновацион ўлчов ускуналари яратилмаган.

Юқорида келтирилган таҳлилий маълумотлар, бу борада илмий тадқиқотларнинг етарли эмаслигини кўрсатади ва юқори малакали белбоғли курашчиларни таёрлашда машғулот самарадорлигини ошириш учун куч ва кучланиш турларини самарадорлигини ошириш юзасидан махсус спорт ускунасини, дастур ва махсус изокинетик машқлар мажмуасини ишлаб чиқиш ва уларни амалиётда синаб кўриш ўта долзарб масала эканлигини тасдиқлайди.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университетининг 2016-2019 йилларга мўлжалланган илмий-тадқиқот ишлари концепцияси ва истиқбол режасидаги “Юқори малакали белбоғли курашчиларнинг тезкор-куч сифатларини ривожлантириш услубияти” мавзусидаги илмий-тадқиқот ишлари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади юқори малакали белбоғли курашчиларда куч сифатларини изокинетик машқлар ёрдамида шакллантириш ва уларни баҳолашда махсус тестлар ва компьютерлаштирилган “ПДСКБ-ШЕР” ускунасида фойдаланиш афзаллигини исботлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

юқори малакали белбоғли курашчиларнинг тайёргарлик цикллари жараёнида куч ва кучланишларини аниқловчи ўлчов ускунасини ишлаб чиқиш ва уни спортчиларнинг жисмоний сифатларига таъсирини аниқлаш;

² Алиев И.Б. Кураш билан шуғулланувчи талаба-спортчиларни машғулот юкламаларининг оптимал нисбатлари. /Пед.фан.номзодлик дисс., Т., 2012. – 30 б. Артиков З.С. Яккакураш спорт турларида қўлларни тезкор букувчи ва ёзувчи мушаклар кучининг ўзига хос хусусиятлари. “Фан-спортга” ж. № 2. 2015. 12-б. Бабаков А.И., Ульянкин С.В. Физическая и волевая подготовка борцов на поясах на основе использования методики самовоспитания. Учебное пособие. Владимир-2012. Бойко В.Ф., Данько Г.В. Физическая подготовка борцов. Киев, Олимпийская литература, 2004. – 223с. Боймуродов И.Х. Курашчилар мусобақа фаолиятининг индивидуал тавсифларини ҳисобга олган ҳолда уларнинг тезкор-куч тайёргарлиги. /Пед.фан.номзодлик дисс.автореф., Т., 2009. – 25 б. Болтаев З.Б. Эркин курашчиларнинг бошланғич тайёргарлик гуруҳларида контингентни саклаш учун ўқув-машғулот жараёнини оптималлаштириш. /Пед.фан.номзодлик дисс.автореф., Т., 2012. – 30 б. Веслов Блах. Инновационные технологии в подготовке единоборцев (самбо и дзюдо): Монография. М.: “Лица”, 2007. – 114с. Волков В.М. К проблеме предпосылок развития двигательных способностей. Ж. ТиМФК, №5-6, 1993, - С.41.

юқори малакали белбоғли курашчиларнинг жисмоний сифатларини ривожлантиришга йўналтирилган ихтисослаштирилган изокинетик машқлар мажмуасини ишлаб чиқиш ҳамда уларнинг самарадорлигини аниқлаш;

белбоғли курашчиларга хос бўлган “портловчи” ва максимал куч сифатларини баҳолашга мўлжалланган сенсор радиосигналли компьютерлаштирилган ўлчов ускунасини яратиш ҳамда уни баҳолаш ва тренажёр воситаси сифатида апробациядан ўтказиш;

ишлаб чиқилган куч сифатларини шакллантиришга йўналтирилган изокинетик машқлар мажмуаси ва ҳаракатли ўйинларни юқори малакали белбоғли курашчиларнинг ўқув-тренировка жараёнига жорий қилинишини, уларни қўллаш услубиятини, куч сифатларини баҳолашга мўлжалланган методик тестлар ва яратилган компьютерлаштирилган ўлчов ускунасини самарадорлигини тажрибаларда асослаб бериш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида юқори малакали белбоғли курашчиларнинг куч ва куч сифатларини ривожлантиришга йўналтирилган ўқув-тренировка жараёни олинган.

Тадқиқотнинг предмети юқори малакали белбоғли курашчилар куч сифатларини тайёргарликнинг турли цикларидаги ривожланиши самарадорлиги.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида илмий-услубий адабиётларнинг таҳлили, куч сифатларини баҳолашга мўлжалланган услубий тестлар, жумладан қўл, гавда-бел динамометрияси, пульсометрия, инструментал усул, педагогик тажриба ва математик статистика усуллари қўлланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилардан иборат:

махсус ишлаб чиқилган компьютерлаштирилган “ПДСКБ-ШЕР” ўлчов ускунасини ўқув-тренировка машғулотида қўлланилишини юқори малакали белбоғли курашчиларнинг “портловчи” ва максимал кучини ривожлантириш самарадорлигига таъсири аниқланди;

юқори малакали белбоғли курашчиларда жисмоний сифатларини шакллантиришга йўналтирилган ихтисослаштирилган изокинетик машқлар мажмуаси ишлаб чиқилди ва уларни компьютерлаштирилган “ПДСКБ-ШЕР” ўлчов ускунасида бажариш орқали мусобақа олди босқичидаги ўқув-тренировка машғулотида юкламалари оптималлаштирилди;

юқори малакали белбоғли курашчиларга хос бўлган “портловчи” ва максимал кучини аниқлаш доирасида компьютерлаштирилган “ПДСКБ-ШЕР” ўлчов ускунаси ва махсус ишлаб чиқилган изокинетик машқлар мажмуаси тажрибалар давомида баҳолаш ва назорат тестлари сифатида қўлланилди;

юқори малакали белбоғли курашчиларга хос бўлган умумий ва махсус жисмоний сифатларни ривожлантирувчи йиллик машғулотлар юкламаларини мусобақа олди тайёргарлик босқичида режалаштириш дастури ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат.

юқори малакали белбоғли курашчиларнинг портловчи ва максимал кучини ривожлантириш учун махсус ишлаб чиқилган компьютерлаштирилган “ПДСКБ-ШЕР” ўлчов ускунаси ўқув-тренировка машғулотларига жорий қилинди;

куч ва кучланиш турларини шакллантиришга мўлжалланган ихтисослаштирилган изокинетик машқлар ва ҳаракатли ўйинлар мажмуалари ишлаб чиқилди ва амалиётда қўлланилди;

юқори малакали белбоғли курашчилар билан педагогик тажриба давомида махсус ишлаб чиқилган компьютерлаштирилган “ПДСКБ-ШЕР” ўлчов ускунасини ва изокинетик машқлар ва ҳаракатли ўйинлар мажмуаларининг самарадорлиги исботлаб берилди;

юқори малакали белбоғли курашчиларга хос бўлган “пастга босиш”, “юқорига кўтариш (вертикал)” усуллари бажаришга сарфланадиган “портловчи” ва максимал куч миқдорини аниқлаш услубияти ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги билиш назарияси услубияти (диалектик билиш услуби) ҳамда мамлакатимиздаги ва хорижий мамлакатларнинг, шунингдек, жисмоний тарбия ва спорт назарияси амалиёти соҳасида хизмат кўрсатган амалиётчи тренерларнинг илмий қарашлари билан асосланган. Бир-бирини ўзаро тўлдирадиган, тадқиқотнинг вазифаларига мос келадиган тадқиқот услубларининг қўлланилганлиги, тадқиқот натижаларининг сифат жиҳатдан таъминланганлиги, тадқиқот ишлари ва синовларнинг ошқоралиги, тадқиқот натижаларига ишлов беришда метематик статистика услубларининг қўлланилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқотнинг илмий аҳамияти шундан иборатки, педагогик тажрибаларда олинган натижалар асосида юқори малакали белбоғли курашчилар ўқув-тренировка машғулотларини мақсадли такомиллаштиришнинг янги воситалари ва дастури ишлаб чиқилди ва уларни қўллашнинг илмий аҳамияти очиб берилди. Илк бора куч сифатларининг (максимал, “портловчи”, тезкор-куч ва куч чидамлилиги) ва мушак кучланишлари турларини (изотоник, изокинетик, изометрик кучланишларни) ривожлантиришга йўналтирилган махсус ишлаб чиқилган компьютерлаштирилган “ПДСКБ-ШЕР” ўлчов ускунасини ва изокинетик машқлар ва ҳаракатли ўйинлар мажмуаларини самарадорлиги аниқланди. Олинган маълумотлар спорт кураши назарияси ва амалиёти соҳасининг назарий билимларини бойитади ва кенгайтиради.

Белбоғли курашчиларга хос куч ва кучланиш турлари бўйича ўрганилган тадқиқот натижалари, бир қатор тест юкламаларининг функционал қиймати, айниқса, ушбу жисмоний сифатларни компьютерлаштирилган ва сенсор радиосигнал орқали ишончли ахборот берувчи баҳолаш ўлчов ускунаси ёрдамида олинган натижалар максимал, “портловчи”, динамик ва статик куч компонентлари, шу жумладан мос равишдаги мушакларнинг изотоник,

изометрик, изокинетик тартибда кучланиш механикаси ва энергетикаси ҳақидаги илмий-назарий билимлар доирасини кенгайтиради.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, юқори малакали белбоғли курашчиларга хос бўлган “пастга босиш”, “юқорига кўтариш (вертикал)” усулларини бажаришга сарфланадиган “портловчи” ва максимал куч миқдорини аниқлаш услубияти ишлаб чиқилди, ушбу сифатларни яхшиланиши мусобақа фаолиятининг натижавийлигини ошириш имконини берди.

Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши. Белбоғли курашчиларда куч қобилятини изокинетик машқлар ёрдамида ривожлантириш устуворлиги ва уни баҳолаш методикаси бўйича олинган натижалар асосида:

юқори малакали белбоғли курашчиларнинг тайёргарлик циклларида куч сифатларини аниқловчи компьютерлаштирилган “ПДСКБ-ШЕР” ўлчов ускунасини ишлаш механизмига доир “Кураш” номли ўқув қўлланма мазмунига киритилган тавсиялар Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети “Миллий спорт турлари, ўйинлари назарияси ва услубияти” кафедрасининг белбоғли кураш ихтисослигида таҳсил олувчи талабаларнинг ўқув-машғулоти жараёнида қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2019 йил 3 декабрдаги 03-07-08-5140-сон маълумотномаси). Натижада мураккаб координативон техник усуллар ижросини таъминловчи жисмоний сифатлари 17,4-21,5%га яхшилانган;

юқори малакали белбоғли курашчиларда жисмоний сифатларини шакллантиришга мўлжалланган ихтисослаштирилган изокинетик машқлар мажмуалари киритилган “Кураш назарияси ва услубияти” номли ўқув қўлланма ишлаб чиқилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 27 мартдаги 274-сонли буйруғига асосан 274-270 рақамли гувоҳномаси). Натижада куч ва кучланиш турларини ривожлантиришни 31,2% га, максимал кучни 38,9% га, тренажёрда мунтазам бажарилган изокинетик машқлар ёрдамида “портловчи куч”ни юқорига - 57,4%, пастга - 17,3%, максимал кучни юқорига - 82,5%, пастга - 19,3% га ортишига эришилган;

белбоғли курашчиларга хос “портловчи” ва максимал куч сифатларини баҳолашга мўлжалланган компьютерлаштирилган ўлчов ускунасидан баҳолаш воситаси ҳамда тренажёр сифатида фойдаланиш имкониятлари “Кураш назарияси ва услубияти” номли ўқув қўлланма мазмунига киритилган тавсияларнинг самарадорлиги Чирчиқ ихтисослашган Олимпия заҳиралари мактаб интернатида шуғулланувчи белбоғли курашчиларда аниқланди (Ўзбекистон Республикаси жисмоний тарбия ва спорт вазирлигининг 2019 йил 3 декабрдаги 03-07-08-5140-сон маълумотномаси). Натижада белбоғли курашчиларнинг куч ва кучланиш турлари билан боғлиқ машқларни функционал жиҳатдан тежамли ижро этиш имконияти 20-25%га очиб берилди;

юқори малакали белбоғли курашчиларнинг мусобақа олди тайёргарлик даврида белбоғли курашчиларга хос бўлган умумий ва махсус жисмоний сифатларини ривожлантирувчи йиллик машғулотлар юкламаларини режалаштириш дастури асосида “Яккакураш спорт турлари” (кураш мисолида) номли ўқув қўлланма ишлаб чиқилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил 25 августдаги 335-сонли буйруғига асосан 335-033 рақамли гувоҳномаси). Натижада белбоғли курашчиларга хос бўлган куч сифатлари бўйича “ПДСКБ-ШЕР” ускунасида тезкор ахборот олиш даражаси 14-16% яхшиланди.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро, 5 та республика миқёсида илмий-амалий анжуманда, федерацияда ўтказилган тренерлар семинар-тренингида, миллий спорт турлари, ўйинлари назарияси ва услубияти кафедрасининг кенгайтирилган мажлиси ва ЎзДЖТСУнинг илмий семинарида апробациядан ўтказилди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 7 та илмий-услубий ишлар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия қилинган илмий нашрларида 3 та мақола (2 та республика ва 1 та хорижий илмий журналларда) чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, тўртта бобдан иборат бўлиб, 160 бет, 6 та расм, 18 та жадвал, 14 та диаграмма, хулоса, амалий тавсиялар, адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг “**Кириш**” қисмида танланган мавзунинг долзарблиги ва уни белбоғли кураш амалиётида ўрганиш зарурати, тадқиқотнинг Ўзбекистонда фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари билан боғлиқлиги, мавзунинг ўрганилганлик даражаси, диссертацион тадқиқотнинг таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режаси асосида амалга оширилганлиги, мақсади, вазифалари, объекти, предмети, услублари, куч ва кучланиш турларини баҳолашга мўлжалланган компьютерлаштирилган “ПДСКБ-ШЕР” ўлчов ускунаси, натижаларнинг объективлиги, тадқиқот натижаларининг амалга жорий этилиши, нашр қилиниши, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “**Жисмоний сифатлар ва уларни яккакураш спорт турларида ривожлантириш масалалари**” деб номланган биринчи бобида жисмоний сифатларнинг ўзаро боғлиқлиги ва уларни яккакураш спорт турлари хусусиятларига мос равишда ривожлантириш масалалари, жисмоний ва техник-тактик тайёргарликнинг функционал асослари, малакали белбоғли курашчиларни тайёрлаш доирасида ўтказилган тадқиқот натижаларининг

қиёсий таҳлили келтирилган. Жисмоний сифатлар ва техник-тактик усуллар аъзоларнинг маҳсули эканлиги, уларни шакллантиришда ихтисослаштирилган машқлардан фойдаланиш зарурати, куч ва кучланиш сифатлари барча яккакураш спорт турларида ўзига хос хусусиятларга эга эканлиги, улар бошқа жисмоний сифатлар ва техник-тактик усулларни “ҳаракатлантирувчи” омил эканлиги аниқланди. (Л.П.Матвеев, 1999, В.Н.Платонов, 2004, М.А.Годик, 2006; В.М.Зациорский, 2009; Ж.К.Холодов, В.С.Кузнецов, 2008, 2014;).

Жисмоний сифатларни ривожлантириш ва техник-тактик маҳоратни шакллантириш, уларнинг самарадорлигини узоқ муддат давомида сақлаш имкониятини таъминлаш мавжуд функционал захира ва функционал потенциалга боғлиқ эканлиги (А.И.Шамардин, 2000; И.Н.Солопов ва б; 2010; А.А.Карелин, 2002; Г.С.Туманян, 2006; С.В.Ульянин, 2012; З.А.Артиков, 2019;) толиқиш аломатларини бартараф этиш ва иш қобилиятини тиклаб бориш жисмоний ҳамда техник-тактик ҳаракатлар самарадорлигини кўтаришга имкон яратиши очиб берилган.

Барча кураш турларида устувор аҳамиятга эга бўлган куч (тезкор, максимал, “портловчи” куч ва куч чидамлилиги) ва кучланиш турлари (изотоник, изометрик, изокинетик ва ҳ.к.) белбоғли курашда тамомила бошқача, ўзига хос хусусиятлар билан фарқланиши тадқиқотлар асосида ўрганилганлиги кўрсатиб ўтилган. Айниқса, бундай сифатларни янгича тестлар ва объектив ахборот берувчи компьютерлаштирилган ўлчов асбоблари ёрдамида баҳолаш усуллари жорий этилмаганлиги маълум бўлди. Белбоғли курашга хос бундай куч сифатларини ривожлантиришда табақалаштирилган ҳолда ихтисослаштирилган машқлар ва вазиятли ҳаракатли ўйинлардан фойдаланиш имкониятлари ўрганилмаганлиги ўз ифодасини топди.

Мавжуд адабиётлардаги манбаларда қайд этилган илмий-услубий маълумотларни қиёсий таҳлил қилиш, белбоғли курашда куч ва кучланиш турлари бўйича илмий тадқиқотлар етарли эмаслиги ва тадқиқот предмети сифатида ўрганилмаганлиги очиб берилган.

Диссертация ишининг **“Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, услублари, объекти ва уни ташкил қилиш”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотнинг олдига қўйилган вазифаларни ҳал этиш учун илмий-услубий адабиётларнинг таҳлили, педагогик кузатув, педагогик тестлаш, пульсометрия, инструментал усул, тадқиқотни амалга ошириш бўйича педагогик тажрибалар, тадқиқотни ташкил қилиниши, олинган материалларни қайта ишлаш бўйича математик статистика усулларида фойдаланилганлиги ҳамда биз томондан ишлаб чиқилган компьютерлаштирилган “ПДСКБ-ШЕР” ўлчов ускунасининг тузилиши ва функцияси, изокинетик машқлар ва ҳаракатли ўйинлар мажмуаларининг мазмуни ёритилган.

Тадқиқот ишлари 2016-2019 йиллар давомида уч босқичда ўтказилди. Биринчи босқичда (2016 й.) махсус илмий-услубий адабиётларни таҳлил қилиш асосида белбоғли курашчиларнинг куч (тезкор, максимал,

“портловчи” куч ва куч чидамлилиги) ва кучланиш турлари (изотоник, изометрик, изокинетик ва ҳ.к.) самарадорлигини оширишнинг назарий ва амалий хусусиятлари ўрганилди, тадқиқотнинг йўналиши белгиланди; тадқиқотнинг мавзуси шакллантирилди; амалга ошириладиган тажрибаларга мувофиқ усуллар танланди, ишчи фараз шакллантирилди; тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари белгиланди, дастлабки материаллар тўпланди; курашчиларнинг мусобақа фаолиятини тезкор таҳлил ва назорат қилиш услубияти танланди. Белбоғли курашчиларнинг куч сифатларини (максимал, “портловчи”, тезкор-куч ва куч чидамлилиги) ва мушак кучланишлар турларини (изотоник, изокинетик, изометрик кучланишларни) ривожлантиришга йўналтирилган махсус ишлаб чиқилган компьютерлаштирилган “ПДСКБ-ШЕР” ўлчов ускунасини ва изокинетик машқлар ва ҳаракатли ўйинлар мажмуаларини самарадорлиги ва уларни амалиётга жорий қилиш орқали хос бўлган умумий ва махсус жисмоний сифатларни ривожлантирувчи йиллик машғулотлар юкламаларини мусобақа олди тайёргарлик босқичида режалаштириш дастури ишлаб чиқилган.

Иккинчи босқичда (2017-2018 ўқув йили) биз томондан ишлаб чиқилган белбоғли кураш спортчиларининг изокинетик машқлар ва ҳаракатли ўйинлар мажмуаларини, куч ва мушак кучланишларини ривожлантиришга йўналтирилган махсус ишлаб чиқилган компьютерлаштирилган “ПДСКБ-ШЕР” ўлчов ускунасини тажриба-синовларда қўллаш орқали халқаро ва республика миқёсидаги мусобақаларда иштирок этадиган Ўзбекистонлик белбоғли курашчиларининг мусобақа фаолияти ҳамда жисмоний ва махсус тайёргарлик даражаси, уларни тавсифловчи мусобақа фаолиятининг энг ишончли кўрсаткичлари аниқланди. Махсус ишлаб чиқилган “ПДСКБ-ШЕР” ускунаси ва махсус изокинетик машқлар ва ҳаракатли ўйинлар мажмуаларини самарадорлиги белбоғли курашчилар билан ўтказилган педагогик тажрибаларда исботланди.

Учинчи босқичда (2018-2019 ўқув йили) тадқиқот иштирокчилари иккита, яъни вазн тоифаларини ҳисобга олган ҳолда тажриба ва назорат гуруҳларига ажратилди. Белбоғли курашчиларнинг куч сифатлари (максимал, “портловчи”, тезкор-куч ва куч чидамлилиги) ва мушак кучланишлари турларини (изотоник, изокинетик, изометрик кучланишларни) самарадорлигига йўналтирилган изокинетик машқлар ва ҳаракатли ўйинлар мажмуаларини таъсири педагогик тажрибаларда аниқланди; уларни “ПДСКБ-ШЕР” ускунасида бажариш орқали мусобақа олди босқичидаги ўқув-тренировка машғулотларининг юкламалари оптималлаштирилди, умумий ва махсус жисмоний сифатларни ривожлантирувчи йиллик машғулотлар юкламаларини мусобақа олди тайёргарлик босқичида режалаштириш дастури ЎзДЖТУ, Республика ва Чирчиқ ихтисослаштирилган олимпия заҳиралари мактаб-интернати спортчиларининг техник-тактик тайёргарлиги даражасини оширишда самарали эканлиги педагогик тажрибаларда асослаб берилди. Тадқиқот давомида олинган натижалар математик-статистика усуллари ёрдамида

ҳисоблаб таҳлил қилинди, диссертация иши шакллантирилиб расмийлаштирилди.

Диссертациянинг “**Юқори малакали белбоғли курашчиларда куч ва кучланиш турларини анъанавий тайёргарлик циклларида ривожланиши динамикаси**” деб номланган учинчи бобида ўтказилган жорий тадқиқотлар натижаларининг қиёсий таҳлили бўйича маълумотлар баён қилинган. Жумладан, турли вазн тоифаларига мансуб белбоғли курашчиларда куч сифатлари йиллик тайёргарлик жараёнининг турли циклларида анъанавий дастур асосида ўтказиладиган машғулотлар ва мусобақа юкламалари таъсирида бир-биридан кескин фарқ қилувчи хусусиятлар билан қайд этилиши мумкин, масалан, тадқиқот натижаларига кўра, турли вазн тоифаларига мансуб курашчиларда гавда-бел кучи ва қўл-билак-панжаларни букувчи мушаклар кучи базавий тайёргарликнинг бошида суст даражада қайд этилган бўлса-да, базавий тайёргарлик якунига келиб ёки мусобақа цикллари олдидан ушбу сифатларнинг яққол ўсганлиги кузатилмади (1-жадвал).


1-жадвал

Юқори малакали белбоғли курашчиларда максимал куч кўрсаткичларининг йиллик тайёргарлик циклларида ривожланиши динамикаси ($\bar{x} \pm \sigma$, 2016 йил январ-ноябр)

Вазн тоифаси (кг) / Тестлар	60 n=38	73 n=43	81 n=35	90 ва ундан юқори n=32
Базавий тайёргарлик бошида (январ)				
Гавда-бел динамометрияси (кг)	136,5±9,77	141,7±10,24	149,4±8,75	161,8±11,36
Ўнг қўл билак-панжалар динамометрияси (кг)	56,2±3,18	58,5±4,13	62,7±5,63	67,6±7,15
Чап қўл билак-панжалар динамометрияси (кг)	54,4±3,21	57,2±3,91	59,8±4,55	65,2±5,11
Базавий тайёргарлик якунида ёки мусобақа цикллари олдидан (март)				
Гавда-бел динамометрияси (кг)	137,2±7,26	140,6±8,13	149,1±7,68	162,3±9,17
Ўнг қўл билак-панжалар динамометрияси (кг)	55,7±2,93	58,8±3,77	63,8±4,12	68,4±6,15
Чап қўл билак-панжалар динамометрияси (кг)	54,3±3,14	56,9±3,64	61,5±4,15	65,7±4,88
Мусобақа цикллари якунида (ноябр)				
Гавда-бел динамометрияси (кг)	135,8±6,17	139,3±7,22	147,6±7,54	161,5±8,09

Ўнг қўл билак-панжалар динамометрияси (кг)	55,2±3,13	57,6±3,21	61,5±5,11	67,2±6,07
Чап қўл билак-панжалар динамометрияси (кг)	54,5±3,06	55,8±3,41	58,8±4,05	64,4±4,75

Мусобақа цикллари якунида гавда-бел, ўнг ва чап қўл билак-панжалар кучини пасайганлиги кузатилди. 2017 йилнинг базавий цикллари якунида ушбу куч турларининг даражаси бироз ўсган бўлса-да, лекин йиллик тайёргарлик якунида мазкур куч сифатлари яна пасайганлиги аниқланди (1-расм).



1-расм. Йиллик тайёргарлик циклларида турли вазн тоифаларига мансуб белбоғли курашчиларнинг ўнг ва чап қўл билак-панжалари кучини асимметрик фарқи (2017 йил бўйича)

Тезкор ва максимал динамик куч чидамлилигини баҳолаш бўйича ичи тўлдирилган 3кг.ли тўпни 3м. баландда горизонтал ўрнатилган маркерга (шитга) 60 сек. давомида имкон борича максимал марта ташлашлар сони 60, 73, 81, 90 кг. вазн тоифаларига мансуб курашчиларда мос равишда дастлаб (базавий тайёргарлик бошида) 29,70±3,09, 29,02±2,97, 26,72±3,19, 25,15±2,87 кг.ни ташкил этган бўлса, базавий тайёргарлик якунига келиб ёки мусобақа цикллари олдидан ушбу кўрсаткичлар пасайди (2-жадвал).


Юқори малакали белбоғли курашчиларда тезкор ва максимал динамик куч чидамлилиги кўрсаткичларини йиллик тайёргарлик циклларида ўзгариш динамикаси ($\bar{x} \pm \sigma$, 2016 йил январ-ноябр)

Вазн тоифаси (кг)	60 n=39	73 n=46	81 n=41	90 ва ундан юқори n=35
Тестлар				
Базавий тайёргарлик бошида (январ)				
Ичи тўлдирилган 3 кг.ли тўпни 3 м. баландда горизонтал ўрнатилган шитга 60 сек. давомида тах ташлаш (марта)	29,17±3,09	29,02±2,97	26,72±3,19	25,15±2,87
Ичи тўлдирилган 3 кг.ли тўпни 3 м. баландда горизонтал ўрнатилган шитга имкон борича тах ташлаш (марта)	35,83±4,16	37,13±3,88	38,76±4,07	41,27±4,25
Базавий тайёргарлик якунида ёки мусобақа цикллари олдидан (март)				
Ичи тўлдирилган 3 кг.ли тўпни 3 м. баландда горизонтал ўрнатилган шитга 60 сек. давомида тах ташлаш (марта)	28,09±2,73	27,16±2,11	26,17±2,79	24,31±2,43
Ичи тўлдирилган 3 кг.ли тўпни 3 м. баландда горизонтал ўрнатилган шитга имкон борича тах ташлаш (марта)	33,19±3,12	35,06±3,13	37,13±3,97	38,15±4,01
Мусобақа цикллари якунида (ноябр)				
Ичи тўлдирилган 3 кг.ли тўпни 3 м. баландда горизонтал ўрнатилган шитга 60 сек. давомида тах ташлаш (марта)	27,14±2,18	26,03±2,31	25,33±3,22	24,02±2,33
Ичи тўлдирилган 3 кг.ли тўпни 3 м. баландда горизонтал ўрнатилган шитга имкон борича тах ташлаш (марта)	32,07±3,03	33,27±2,74	36,37±3,25	37,87±3,73

Таъкидлаш жоизки, пасайиб кетган ушбу кўрсаткичлар мусобақа циклларида қўлланилган расмий беллашувлар ва машғулотлар таъсирида янада пасайганлиги кузатилди. Тезкор ва максимал динамик куч чидамлилигини йиллик тайёргарлик якунида яққол сусайиб кетиши, биринчидан, толиқиш аломатининг кучайиши, иккинчидан, куч чидамлилигини заиф шаклланганлиги, учинчидан, анъанавий дастур асосида

шуктазиладиган машғулотлар ва мусобақа олишувлари якунида иш қобилиятини тиклаш чоралари кўрилмагани билан тушунтирилади.

Гавда-қорин мушакларини изометрик кучланиши сифатини ифодаловчи турникда осилиб оёқларни 90° горизонтал букиб ушлаб туришнинг энг катта кўрсаткичи 73 кг. вазн тоифасидаги ($37,06 \pm 4,78$ сек.) ва энг кичик кўрсаткичи ($29,07 \pm 3,27$ сек.) 90 кг. вазн тоифасидаги курашчиларда қайд этилди (2-расм).



2-расм. Турли вазн тоифасидаги юқори малакали белбоғли курашчиларда турникка осилган ҳолатда изометрик кучланишни сақлаш вақтини (сек.) йиллик тайёргарлик циклларида ўзгариши динамикаси (2017 йилги тайёргарлик мавсуми бўйича)

Қайд қилинган дастлабки кўрсаткичлар базавий тайёргарлик цикллари якунида ҳам, мусобақа цикллари якунига келиб ҳам борган сари пасайганлиги аниқланди. Белбоғли кураш машғулотида, айниқса мусобақа беллашувларида техник-тактик усулларни қўллаш самарадорлиги тезкор ва максимал динамик куч чидамлилиги ҳамда унинг пульсометрик қийматига устивор боғлиқдир. Агар, ушбу қобилият ва унинг функционал компоненти заиф шаклланган бўлса, спортчида мужассам бўлган тезкор ва максимал куч давомли юкламаларга бардош бера олмайди. Бу борада ўтказилган тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, барча тестлар бўйича қайд этилган тезкор (60 ва 10 сек. давомида) ва максимал (имкон борича узок вақт давомида) динамик куч чидамлилигини кўрсаткичлари бир-биридан кескин фарқ қилмади. Масалан, ичи тўлдирилган 3кг. тўпни 3м баландга ўрнатилган шитга 60 сек. ичида ташлашлар сони бўйича баҳоланган тезкор-куч чидамлилиги барча вазн тоифаларида дастлаб $31,27 \pm 3,57$ – $27,06 \pm 2,97$ мартани, максимал куч (тўпни ташлашлар сони бўйича) $35,43 \pm 4,16$ – $41,83 \pm 4,66$ мартани ташкил қилди. Юқори малакали белбоғли курашчилар учун етарли даражада бўлмаган бу кўрсаткичлар (айниқса, оғир вазн тоифасидаги курашчиларда) базавий тайёргарлик якунида ва мусобақа цикллари якунига келиб борган сари пасайганлиги кузатилди. Бундай ҳолат, курашчилар билан олиб борилаётган анъанавий дастур асосидаги машғулотлар мазкур сифатларни жадал шакллантириш хусусиятига эга эмаслигидан дарак беради. Бундан ташқари, ҳар бир машғулот якунида

курашчиларнинг ишчанлик қобилиятини тиклаб бориш чоралари кўрилмаганлиги тадқиқотлар давомида нафақат куч сифатларини, балки бошқа жисмоний сифатларни ҳам прогрессив йўналишда шакллантиришга тўсқинлик қилган, деб тахмин қилиш мумкин. Бу, ушбу тест юкламаси таъсирида ЮҚЧ кўрсаткичларини базавий тайёргарлик бошида ҳам (2017 йил январ), мусобақа цикллари олдидан ва айниқса, мусобақа цикллари якунига келиб дастлабки тест натижаларига нисбатан кескин ортиб кетганлиги билан ҳам тасдиқланади (3-жадвал).

3-жадвал

Турли вазн тоифасига мансуб юқори малакали белбоғли курашчиларда тезкор куч чидамлилиги ва унинг пульсометрик қиймати кўрсаткичларининг йиллик тайёргарлик циклларида ўзгариши динамикаси, ($\bar{x} \pm \sigma$)

(ичи тўлдирилган 3кг ли тўпни 3 м баландга ўрнатилган маркерга 60 сек. давомида мах. марта ташлаш тести бўйича)

Тестлар Вазн тоифаси (кг)	Тестдан аввал ЮҚЧ, (зарба/дақ.)	Тўлдирма тўпни мах марта ташлаш, (марта)	Тестдан кейин ЮҚЧ, (зарба/дақ.)	Тест юкламасининг Р қиймати, (зарба/дақ.)
Базавий тайёргарлик бошида (2017 йил, январ)				
60 n=27	67,13±3,49	31,27±3,57	137,22±5,18	70,09
73 n=32	65,08±3,23	30,13±3,24	141,18±6,02	76,10
81 n=30	69,21±3,75	28,35±3,04	148,28±5,07	79,07
90 n=25	68,55±4,13	27,06±2,97	152,13±4,15	83,58
Мусобақа цикллари олдидан (2017 йил, март)				
60 n=27	68,07±3,13	31,03±3,49	141,14±4,67	73,07
73 n=30	70,19±4,02	29,28±3,11	147,35±4,12	77,16
81 n=26	69,23±3,89	27,16±2,97	152,27±4,37	83,04
90 n=25	67,24±3,93	24,15±3,05	156,17±4,78	88,93
Мусобақа цикллари якунида (2017 йил, ноябр)				
60 n=26	69,13±4,03	30,14±2,87	143,16±5,32	74,03
73 n=32	71,02±4,18	28,38±2,77	149,27±4,93	78,25
81 n=28	72,15±4,27	26,21±2,63	153,33±4,77	81,18
90 n=24	71,87±4,23	23,54±2,96	155,23±4,83	83,36

Шуни таъкидлаш жоизки, йиллик тайёргарлик циклларида, якунида, мусобақа олдидан ва мусобақа цикллари туганидан сўнг мутахассис-тренерлар томонидан жисмоний тайёргарликни, айниқса куч сифатларини шаклланиш динамикасини объектив методик тестлар ёки тезкор ахборот берувчи ўлчов ускуналари ёрдамида назорат қилинмаслиги машғулотлар самарадорлигини мақсадли баҳолаш имконини бермайди. Белбоғли курашчилар машғулотлар давомида турли тренажерлардан умуман фойдаланмаслиги аниқланди.


Диссертациянинг “Юқори малакали белбоғли курашчиларда куч қобилиятини изокинетик машқлар ёрдамида шакллантириш ва уларнинг самарадорлигини педагогик тажриба давомида аниқлаш” деб номланган тўртинчи бобида амалга оширилган педагогик тажриба натижаларининг қиёсий таҳлили тўғрисидаги маълумотлар баён қилинган. Тажрибалар давомида, юқори малакали белбоғли курашчиларга хос бўлган куч сифатларини (максимал куч чидамлилигини) анъанавий воситаларга нисбатан изометрик машқлар ёрдамида самарали ривожлантириш мумкинлиги исботланди. Жумладан, 11 ой давомида анъанавий дастур асосида ташкил қилинган машғулотлар натижасида НГ шуғулланувчиларининг гавда-бел кучи тажрибадан аввал (базавий тайёргарликнинг бошида) $143,2 \pm 8,54$ кг.ни, 3 ой ўтгандан сўнг $145,8 \pm 7,69$ кг.ни ва тажриба якунида (мусобақа цикллари якунида) $148,6 \pm 6,73$ кг.ни ташкил этди. Кучнинг ўсиш суръати 5,4 кг. билан ифодаланди (4-жадвал).

4-жадвал

Юқори малакали белбоғли курашчиларда мушакларнинг изотоник ва изометрик кучланиш кўрсаткичларининг педагогик тажриба давомида ўзгариши динамикаси (n=12) $\bar{x} \pm \sigma$

Ташхис тестлари	Гуруҳ	Тажрибадан олдин БТБ 2018 й, январ	БТЯ ёки МЦО 2018 й, март	Тажрибадан кейин МЦЯ, 2018 й, ноябр	t	P
Гавда-бел динамометрияси (кг)	НГ ТГ	$143,2 \pm 13,42$ $142,7 \pm 13,41$	$145,8 \pm 7,69$ $149,5 \pm 6,07$	$155,8 \pm 13,39$ $168,56 \pm 15,83$	$2,30$ $4,32$	<0,05 <0,001
Ўнг қўл билак-панжалар динамометрияси (кг)	НГ ТГ	$57,5 \pm 5,37$ $57,8 \pm 5,62$	$58,5 \pm 3,01$ $61,9 \pm 3,34$	$62,61 \pm 5,81$ $67,75 \pm 6,43$	$2,24$ $4,04$	<0,05 <0,001
Чап қўл билак-панжалар динамометрияси (кг)	НГ ТГ	$55,3 \pm 5,27$ $55,9 \pm 5,25$	$56,6 \pm 2,81$ $60,7 \pm 3,13$	$59,51 \pm 5,48$ $64,51 \pm 6,03$	$1,92$ $3,73$	>0,05 <0,01
Турникда осилиб оёқларни 90° бурчак остида букиб ушлаб туриш (сек.)	НГ ТГ	$37,6 \pm 3,36$ $36,3 \pm 3,48$	$38,5 \pm 4,07$ $41,6 \pm 4,23$	$41,25 \pm 3,46$ $42,96 \pm 4,02$	$2,63$ $4,34$	<0,05 <0,001
Кўш чўпда қўлларга таяниб оёқларни 90° бурчак остида букиб ушлаб туриш (сек.)	НГ ТГ	$38,5 \pm 3,76$ $37,8 \pm 3,69$	$39,2 \pm 4,02$ $45,7 \pm 3,75$	$41,56 \pm 3,91$ $44,84 \pm 4,26$	$1,95$ $4,33$	>0,05 <0,01

Тажриба давомида, биз томондан ишлаб чиқилган ихтисослаштирилган изокинетик машқлар ва ҳаракатли ўйинлар мажмуаси машқларини бажарган ТГ шуғулланувчиларининг гавда-бел кучи $142,7 \pm 7,13$ кг.дан $161,7 \pm 6,85$ кг.гача, яъни 19,0 кг ўсганлиги аниқланди. Қўллар билак-панжаларини букувчи мушаклар кучи ва статик куч кўрсаткичлари ҳам ТГ да прогрессив динамика билан ифодаланди (3-расм).



3-расм. Назорат ва тажриба гуруҳларида ўнг ва чап қўл билак-панжа кучи ўртасидаги асимметрик фарқнинг педагогик тажриба давомида ўзгариши

Изоҳ: 1 – тажрибадан аввал – БТБ – базавий тайёргарлик бошида; 2 – БТЯ – базавий тайёргарлик якунида ёки МЦО – мусобақа цикллари олдида; 3 – Тажрибадан кейин – МЦЯ – мусобақа цикллари якунида.

Ичи тўлдирилган 3 кг.ли тўпни 3 м баландда ўрнатилган шитга 60 сек. ва имкон борича узок вақт ичида максимал ташлашлар сони бўйича ўрганилган тезкор ҳамда максимал динамик куч кўрсаткичлари ҳам ТГ да прогрессив жадал ўсди. Тажриба якунига келиб ушбу куч турлари НГ да мос равишда 1,15 ва 2,02 мартага ортган бўлса, ТГ да 8,92 ва 10,52 мартагача ошди. Қўлларни букувчи ва ёзувчи мушакларнинг максимал динамик кучи ҳам ТГда тажриба якунига келиб кескин ортганлиги кузатилди. Лекин, анъанавий машғулотларда шуғулланган НГда бундай прогрессив ўзгаришлар қайд этилмади.

Тажрибаларнинг 3 оғи давомида (2019 йил, январь-март) ТГдаги 73кг вазн тоифасига мансуб юқори малакали белбоғли курашчиларда “портловчи” куч сифатларини “ПДСКБ-ШЕР” тренажерида (ускуна бир вақтни ўзида тренажер сифатида ва ўлчов асбоби сифатида қўлланилиши мумкин) изокинетик йўналишли машқлар ёрдамида ривожлантириш ва баҳолаш натижалари, ушбу куч сифатларини нисбатан қисқа муддатларда ҳам жадал суръатлар билан шакллантириши мумкин эканлигини кўрсатди. Масалан, изокинетик машқларни ТГ иштирокчиларини ускуна “рамасини” юқорига силтаб кўтариш тести бўйича баҳоланган портловчи кучи синовдан аввал $1876,9 \pm 27,2$ Н ни (ёки 187,69 кг.ни) ташкил қилган бўлса, тажриба якунига

келиб (3 ойдан сўнг) ушбу кўрсаткич $1926,6 \pm 27,6$ Н (ёки $192,66$ кг) гача ортди (5-жадвал).


5-жадвал

